

СЛЕНГ БИРЛИКЛАРИ ҲОСИЛ БЎЛИШНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК УСУЛИ

Абдували Сулаймонович МУСАЕВ

доцент

филология фанлари номзоди

Абдулла Қодирий номидаги

Жиззах давлат педагогика университети

Жиззах, Ўзбекистон

a.musayev1962@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада Сленг бирликларининг ҳосил бўлиши йўллари ҳақида фикр юритилган. Сленг-мустақил ҳодиса сифатида коммуникатив-прагматик аспект бўлиб кишиларнинг олам ҳақидаги метафорик қарашлари ҳақида, сленг бирликлари ҳосил бўлишниң лексик семантик усуллари ҳақида фикр билдирилган.

Таянч сўзлар: Сленг, сленг бирликлари, лексик-семантик усул, ёшлар сленги, метонимия, метафора.

ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКИЙ СПОСОБ ОБРАЗОВАНИЯ ЕДИНИЦ СЛЕНГА

Абдували Сулаймонович МУСАЕВ

доцент

кандидат филологических наук

Джизакский государственный педагогический

университет имени Абдуллы Кадыри

Джиззах, Узбекистан

a.musayev1962@gmail.com

Аннотация

В данной статье речь идет о путях образования сленговых единиц. Сленг – как самостоятельное явление имеет коммуникационный-прагматический аспект. В статье излагается мнение о метафорических взглядах людей о мире, лексико-семантических методах формирования сленговых единиц.

Ключевые слова: сленг, сленговые единицы, лексико-семантический метод, молодежный сленг, метонимия, метафора.

Тилнинг лугат таркиби – очиқ система бўлиб, сифат жиҳатдан чегараланмаган, миқдор ва вазифаси жиҳатдан ўзгариб турадиган лексемалар мажмуидир. Тилда янги бирликлар пайдо бўлишида маданий, моддий ишлаб чиқариш, диний дунёқарашиб, мода, давлат ва, ҳатто, социал гуруҳ кишиларининг мулоқоти сўзсиз ҳамроҳдир. Тил тизими доимий равишда харакатда бўлиб, у янги тил бирликлари билан бойиб боради. Инсон ташқи

факторларнинг доимий ўзгариши ва унинг таъсирига жавоб тариқасида тил бирликлари маъноси, шаклини ўзгартиради. Натижада тил материалларининг ҳаракати ва ривожига олиб келади. Худди шундай, тадқиқот объектимиз, сленг тизими ҳам ташқи факторлар таъсирида тилда юзага келади.

Рус тилшунослигига М.А.Грачев [3], В.С.Елистратов [4], Л.П.Крысин [9], В.В.Химик [14] ҳам сленгнинг ҳосил бўлишига доир айрим фикрларни билдиришган. Сленг – бу сўз ясалишининг мураккаб комплекси ҳисобланиб, ясалишнинг бир неча турларини ўзида мужассам этади.

Г.Эман ёшлар сленги бошқа тил бирликларидан ўзига хос хусусиятлари билан фарқланиши билан алоҳида тадқиқот объекти бўлишга ҳақлилигини таъкидлаган ҳолда, сўзлашув нутқининг ижтимоий юк ташишини айтиб ўтади. Шунингдек, ёшлар сленгининг шаклланиш усуллари хақида тўхталади: семантик вариация, маъно торайиши, кенгайиши, семантик парадокс, лексик мутация, неологизм, фонологик германизация, вербализация, экономия, сўз ўйини, суперлативация [15;184]. Н.Н.Гранкова ёшлар сленгини ясалиш усуллари сирасига неологизация, маъно кенгайиши, ўзгариши, ўзлаштириш, отларни вербализацияси, суперлативация, товуш германизацияси, соддалашиш, сўз ўйини, маъно торайиши каби ҳодисаларни ҳам киритади ва ясалиш ҳодисаларининг частотали ўзаро нисбатини келтиради.

Е.М.Казачкова эса ёшлар сленгини шакллантирувчи қуйидаги усулларни санаб ўтган [7;8] десемантизация; ўзлашмалар; мавжуд модель ва формантлар асосида сўз ясаш.

Бундан ташқари, А.М.Колесниченко икки модель асосида ясалишини аниқлаган [8] лексик-семантик ва сўз ясалиши. Лексик-семантик моделнинг 4 турини кўрсатиб ўтади: 1) пейоративлик (номнинг турдош отдан атоқли отга ўтиши); 2) номнинг атоқли отдан бошқа атоқли отга ўтиши; 3) номнинг атоқли отдан турдош отга ўтиши; 4) номнинг турдош отдан бошқа турдош отга ўтиши. Сўз ясалиш модели: аффиксация, ўзакнинг қисқариши, конверсия, қўшимчасиз, орттириш, тўлдириш.

Т.Е.Захарченко эса, рус ва инглиз лексикасида сленг тизимини ўрганиб, қуидаги сўз ҳосил қилиш усулларини санаб ўтади [6;7] товушга тақлид, метафора, сўз бирикиши, аффиксация, қисқариш, конверсия, қисқариш ва сўз ўзлаштириш.

Е.В.Любицкая ёшлар сленгини ўрганар экан, асосан, сўз ўйини ва сўз ўзлаштириш усули орқали сўз ҳосил қилишини айтади [10;7].

Рус тилшуноси А.Ф.Журавлев рус тилидаги номинация усуллари системасини қуидагича кўрсатади: мотивлашмаган шартли белги (сўз) яратиш; тайёр номинатив бирликни янги семантик вазифада қўллаш; сўзнинг лексик-семантик трансформацияси; маъно кенгайиши; маъно торайиши; метафора; синекдоха; семантик компрессия; метонимия; шаклан янги номинатив бирлик ясаш (сўз ясалиши); фонетик комбинациялар асосида сўз ясалиши; композитив сўз ясалиши; сўз бирикмаси лексикализацияси; аббревиация; фраза ясалиши; сўз ўзлаштириш; калька ва ҳоказо, бунда тадқиқотчи мазкур усулларнинг хилма-хил хусусий кўринишларини ҳам батафсил таҳлил қиласди.

Кузатишларимиз давомида сленг ҳосил қилиш усулларининг таснифи Е.Е.Матюшенко тадқиқотларида ҳам ўз ифодасини топганлигига гувоҳ бўлдик. У сленг ҳодисаси, одатда, кўчма маъно асосида ҳосил бўлишини уқтиради ва қуидагича гурӯҳлайди лексик-семантиқ, морфологик, морфолого-синтактика, лексико-синтактика, ўзлаштириш [11;16]. Энг юқори частотали сленг ҳосил қилиш усули аффиксация, метафоризация ва чет тиллардан сўз ўзлаштириш эканлигини таъкидлайди.

Демак, сленг – бу очиқ тизим, у ташқи ва атроф-муҳит билан доимий равища алоқада бўлади. Ушбу ўзаро алоқа таъсири натижасида янги лексик бирлик юзага келади. Бу янги лексик бирликларнинг барчаси сленг ясалишининг бирор усулида юзага келиши ва тил жамоасининг аъзолари томонидан қўлланиши ҳамда тан олиниши сленг лексикаси мақомини олишига имкон беради. Матнларда, нутқда сленгнинг қўлланиши ўқувчига таъсир этувчи, унинг дунёқараши, хулқ-авторини шакллантирувчи, атроф-

муҳитни қабул қилиши ва баҳолашига таъсир этувчи лексик воситадир (лексик ва морфологик-синтактик тил сатҳда). Шу нуқтаи назардан, сленг тизимида ўзининг табиатга кўра икки қарама-қарши жараён рўй беради: ё тўлиқ йўқолиб бораётган лексик бирликка ёки тилнинг юқорироқ даражасига, яъни адабий меъёрга ўтиши мумкин.

Мазкур тадқиқотларга ва ўзбек тилининг хусусиятларига таянган ҳолда ўзбек тилида сленг бирликларини ҳосил бўлиш усуслари ва воситаларини аниқлаш имконини беради.

I. Лексик-семантик усул:

1. Метонимияга асосланган сленг бирликларлар. Ўзбек тилида бундай сленгларнинг мавжудлигини қўйидаги далиллар тасдиқлайди:

а) ўсимликнинг номи шу ўсимлик мевасидан ёки бошқа бирор қисмидан тайёрланган маҳсулотга кўчирилади: (узумнинг суви – узумнинг шарбати – бош маъно; ароқ – ҳосила маъно); (*кофе* – уругидан маҳсус ичимлик тайёрланадиган тропик ўсимлик, қаҳва дарахти – бош маъно; *кукун, толқон* қўшиб тайёрланган ичимлик – ҳосила маъно)

б) замон ва маконда бир-бирининг бўлишини тақозо қилган ҳамда бирга қўлланадиган икки (ёки бир неча) предметдан бирининг номи иккинчисига кўчирилади.

в) бир предметнинг номи шу предметдаги бошқа бир предмет-воқеликка кўчирилади: Самарқандда “**Jiguli**” ва “**Spark**” тўқнашиши оқибатида ҳайдовчилардан бири вафот этди (Daryo.uz. rasmiy kanal, 19-iyul 2021). Намангандаги «**мойка**»даги карчер аппаратини ўғирлаган 27 ёшли фуқарога жиноят иши қўзғатилди (Daryo.uz. rasmiy kanal, 19 iyul 2021).

г) белгининг номи шундай белгиси бор бўлган нарсага (предметга) кўчирилади. «**Кал**»дан тўртта берсанг етади (сўзлашувдан). Бундай кўчирилиш лексик-семантик йўл билан янги сўзнинг ясалишига ҳам олиб келади.

е) жойнинг номи нутқда «муассаса» маъносида қўлланган бўлиши мумкин.

Курорт [нем. kurort < kur – даволаш + ort – жой, ўрин] Табиий шароити, табиий шифобахш воситалари (мас, булоклар, балчиқлар каби) жиҳатидан дам олиш ва даволаниш учун қулай жой ва шундай жойдаги даволаниш муассасаси.

Демак, бунда ҳам метонимия бор, аммо у тил метонимияси эмас, нутқ метонимиясидир. Метонимия ифодаланмишларнинг ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлиги асосида бир ифодаловчининг бошқа ифодаловчи учун ишлатилиши [13;200] бўлиб, сленг бирликларни ҳосил қиласди. Сўзлашув нутқида воқелашибган сленглар воқеа-ҳодиса, предметлар орасидаги алоқадорлик асосида ҳосил бўлган.

2. *Метафора асосида ҳосил бўладиган сленг бирликлар*. Ўзбек тилида сленг бирликларнинг ҳосил бўлиш усулига кўра энг кўп учрайдиган тури метафора ёрдамида шаклланадиган сленглардир. Метафора – нарса ва ҳодисалар моҳиятидаги ўхшашлик асосида бирор лексеманинг ўз хусусий ифодаланмишидан бошқа нарса ва ҳодисаларни аташ учун ишлатилиши.

О.В.Фоменко сленг ҳосил қилувчи асосий воситалардан бири метафора эканлигини таъкидлаб, сленг метафоралари адабий тил ва поэтик метафоралардан ўзига хослиги билан фарқ қиласди ва когнитив жараёнда юзага келади. Сленг бирликлари метафора, объектлар билан баҳо-экспрессив муносабатда бўлиб, миллий маданий вазифа билан фарқланади.

Олима Ш.Махмараимованинг ёзишича, «метафорик терминлар атрибутив хусусиятига кўра асосан: уй-рўзгор анжомлари ва табиат билан боғлиқ ашёларга таққос негизида ҳосил бўларкан. Масалан, ўзбек тилидаги кучукча (@) фойдаланувчининг электрон манзилини англатади ва бу сўз рус тилида ҳам *собачка* тарзида қўлланади. Лисоний ҳамжамиятда ижтимоийлашганлиги эвазига бу сўзни термин деб эмас, атама деб қараш керак бўлади. Негаки, *собачка* рус тилининг ўз қатлами асосида метафорик кўчим таъсирида ҳосил бўлмоқда. Мазкур сўзни атама деб қарашимизга сабаб *собачка* сўзи метафора эвазига аниқ отдан аниқ отни ифодалашга хизмат қилмоқда. Мазкур сўз рус тилидан ўзга тилларга калька эвазига

ўтганини ҳисобга олсак, *кучукча* (*собачка*) ўз ҳолида рус тилидаги атаманинг ўзбек тилида ҳам атама бўлиб келишини исботлайди [12;221]. Рус олимаси Аминованинг таъкидлашича, сленг тизимини лексик-семантик жиҳатдан бойишида (инглиз тилида 28 фоизни француз тилида 19,2 фоизни) метафоралар асосий ўринни эгаллайди [2;11]. Метафоризация сленг тизимини мавжуд сўзларнинг таркибига янги семантик жило киритиб жонлантиради.

Сўзлашув нутқида, умуман, тилнинг бошқа вазифавий услубларида ҳам метафора асосида ҳосил бўлган сленг бирликлари қўлланилади. Метафора асосида ҳосил бўлган моделлар қуидагилар:

а) инсон аъзоси › инсон: (*бурун – одамнинг бурни* – бош лексик маъно; *юқори мансаб кишилари* – ҳосила маъно); (*офатижон – жонга озор берувчи*; *жафокор маъшуқа* – бош лексик маъно; *ўзига мафтун қилиб, дилдан урадиган гоят гўзал аёл* – ҳосила маъно); (*попук – нарсаларга безак учун тақиладиган бир боғлам тола, пат, ип ва ш.к.* – бош лексик маъно; *бошини эгмоқ, ҳовуридан туширмоқ* – ҳосила маъно); (*гўдак – эмадиган, кўкракдан ажратилмаган, одатда бир ёшгacha бўлган бола*; *чақалоқ* – бош лексик маъно; *тажрибага эга бўлмаган, хом, гўр одам* – ҳосила маъно).

б) «ҳайвон» › инсон: *кўрсичқон – ҳужжат билан ишлайдиган одам; тулки – айёр киши; илон – ёмон гапирадиган киши;*

Р.Абдуллаева *тулки* зоонимининг инсон характери хусусиятларига ишора қилинишини тадқиқ этар экан, лугатлардаги изоҳига кўра қуидагиларни хulosса қилиш мумкинлигини таъкидлайди: 1) ўзбек ва рус тилларида *тулки* зооними кўчма маънода қўлланилганда айёрлик, муғомбирлик, ёлғончилик маънолари билан боғланади ва шундай характерли инсонга ишора қиласди; 2) ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам *тулки* зооними нутқда якка ҳолда қўлланиб, кўчма маънони ифодалаши мумкин [1;40]. Шу нутқтаи назардан, сленг бирликларнинг қўлланишида мазкур кўчма маъно қўлланилади.

б) бодринг – боши чўзинчоқ киши; чалпак – қишилоқда яшовчи киши; айрон – тенса тебранмайдиган, анди одамга нисбатан;

3. Жумаеванинг ёзишича, «пазандачилик билан алоқадор хилма-хил лисоний ассоциациялар шу касб-кор эгаларининг иш жараёни, қолаверса, улар томонидан тайёрланган таомларнинг у ёки бу хусусиятлари муайян образларнинг шаклланишига асос бўлган. Мана шу образлиликка боғлиқ ҳолда кўплаб фразеологизмлар шаклланган. Масалан, «зуваласи пишиқ» фразеологизми хамир қориш билан боғлиқ воқеликни образли ифодалаш асосида шаклланади. Хамир қанчалик кўп қорилса, ишлов берилса, у шунчалик сифатли, хамирдан олинган зувалалар эса пишиқ бўлади.

г) «аниқ предмет» > инсон: кунда – тушунмай қараб турган талаба; девор – безбет киши;

Демак, сўзлашув нутқига оид бу далиллар метафорик йўл билан ҳосил килинган сленг бирликлар бўлиб, ўзбек тилида сленглар метафора асосида ҳосил бўлишини тасдиқлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуллаева Р. Тулки зоонимининг инсон характер хусусиятларига ишора қилиши // Тил ва адабиёт таълими журнали, 2018. – №11. – Б.40.
2. Аминова Л.В. Структурно-семантические особенности молодежного сленга в английском и французском языках: Автореф. диссер...канд.филол.наук. – Уфа, 2004. – 11 с.
3. Грачев М.А. Лексикографические проблемы составления словарей арго. // Вестник Волгоградского государственного университета. Серия 2. Языкознание. Т18., 2019. – №1. – С.62-73.
4. Елистратов В.С. Толковый словарь русского сленга. – Москва, 2010. – 672 с.
5. Жумаева З. Фразеологик бирликларнинг семантик ва лингвокультурологик тадқиқи: филол.фан. бўй. фалс. док (PhD) дисс. – Жиззах, 2021. – 35 б.

6. Захарченко Т.Е. Эквивалентная лексика в русском и английском сленге: системный, словообразовательный и функциональный аспекты: Автореф. дисс...канд.фил. наук. – Ростов-на-Дону, 2008.
7. Казачкова Е.М. Формирование и функционирование молодежного сленга в лингвокультурной среде (на примере Астраханской области): Автореф. дисс...канд.фил. наук. – Москва, 2006.
8. Колесниченко А.Н. Сленг в английском и русском языках: структурно-семантический, этимологический, функциональный и стилистический аспекты: Автореф. дисс...канд.фил. наук. – Ростов-на-Дону, 2008.
9. Крысин Л.П. Социолингвистика (В.И.Беликова). – Москва, 2001. – 315 с.
10. Любицкая Е.В. Сленг: региональные черты и процессы англизации: Автореф. дисс...канд.фил. наук. – Ставрополь, 2005.
11. Матюшенко Е.Е. Современный молодежный сленг: формирование и функционирование: Автореф. дисс...канд.фил. наук. – Волгоград, 2007. – 16 с.
12. Махмараимова Ш. Ўзбек тили метафораларининг антропоцентрик тадқиқи: Филол. фан. докт. (DcS) диссер. – Самарқанд, 2020. – 221 б.
13. Менглиев Б. Ҳозирги ўзбек тили: дарслик. – Тошкент: Тафаккур бўстони, 2018. – 200 б.
14. Химик В.В. Прагматика молодежного сленга и текст // Эстетическая природа художественного текста, типы его изучения и их методическая интерпретация. Международная конференция-семинар: Тезисы докладов. – СПб., 2003. – С. 61-62;
15. Ehman Hermann. Endgeil. Das vollkorrekte Lexikon der Jugendsprache. Munchen, 2005. – 184 s.